(1892-йил, Бухоро - 1934-йил 1-июн, Тошкент)

Бухородаги жадидчилик харакати намояндаси, сиёсат арбоби. Бошлангич таълимни Бухорода олгач, Истанбул мадрасасида ўкиди. Отаси йирик савдогар Мирза Мухитдин Мансуров илк жадид газетаси “Бухоройи шариф”ни моддий жихатдан таъминлаб турган, янги усул мактабларига хомийлик килган. А. Мухитдиновнинг илк маколалари Оренбургдаги “Вакт” газетасида эълон килинган (1910).
Бухорода 1917-йил апрел намойишидан кейин ёш бухороликлар партияси МКга аъзо бўлди. Колесов вокеасидан кейин Самарканд, Тошкент, Москвада мухожирликда яшашга мажбур бўлди (1918-19). У Туркистон мусулмонлари бюроси аъзоси (1919-20) хамда “Кутулиш” газетаси мухаррири (1920) эди. Бухорода амирлик кизил аскарлар кучи билан агдарилгач, А. Мухитдинов Умумбухоро Инкилобий кўмитаси раиси (1920-йил сентабр - 1921-йил сентабр), БХСР дехкончилик нозири (1920-21) каби масъул лавозимларда ишлади. БХСР нинг дастлабки Конститутсиясини ишлаб чикишда катнашган, Бухорода ер-сув ислохоти ўтказилиши ташкилотчиларидан бири. А. Мухитдинов БХСР нинг хорижий мамлакатлар билан Россия воситачилигисиз мустакил алока ўрнатиш, боскинчи кизил армияни олиб чикиб кетиш, халк милитсияси сингари миллий армия тузишни катъий талаб килган.
Шунинг учун хам Марказнинг Туркистондаги таянчи бўлган Турккомиссия томонидан А. Мухитдинов ва унинг тарафдорлари “ўнг огмачилик”да айбланди ва лавозимидан бўшатилди. Лекин, шунга карамасдан у 1921-24-йилларда БХСР савдо ва саноат вазири, Бухоро Халк хўжалиги Олий кенгаши раиси, Бухоро Иктисодий кенгаши раиси, БХСР нозирлар шўроси раисининг 2-муовини лавозимларида ишлади ва Бухоро Республикасининг мустакиллиги, эътикод эркинлиги, демократик ислохатларни ёклаб чикди.
Ўрта Осиёда миллий худудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкил килингач, А. Мухитдинов Тожикистон АССР Халк Комиссарлари Совети раиси килиб тайинланди (1925-29). Тожикистон ССР тузилгач, у Ўзбекистон ССР таъминот Халк Комиссарлигида ишлади.
1933-йил 21-августда совет режими томонидан А. Мухитдинов камокка олиниб, унга “буржуа миллатчиси” тамгаси ёпиштирилди ва 1934-йил 1-июнда отиб ташланди.